2014 йил 26 сентябрь, жума

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 190 (12.751)

Баҳоси эркин нархда

2014 йил – Соғлом бола йили

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



## ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР – САЛОМАТЛИК ОМИЛИ

***«Ўзэкспомарказ»да VII халқаро ихтисослашган «UzMedExpo – 2014» тиббиёт кўргазмаси очилди.***

Тадбир Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Ўзфармсаноат» давлат акциядорлик концерни ва бошқа ташкилотлар томонидан «IEG Uzbekistan» халқаро кўргазма компанияси кўмагида ташкил этилди.

Кўргазманинг очилишида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида тиббиёт муассасаларининг замонавий тармоғи яратилиб, энг илғор ускуналар билан жиҳозланаётгани самарасида Ўзбекистон аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати бўйича дунёдаги етакчи мамлакатлар сафидан жой олгани таъкидланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 28 ноябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорида белгиланган вазифалар босқичма-босқич амалга оширилаётгани натижасида тиббиётнинг замонавий ютуқлари ва даволашнинг илғор усуллари амалиётга кенг жорий этилаётир.

Кўргазмада замонавий тиббий технологиялар, дори-дармон, ультратовуш, рентген аппаратлари, физиотерапевтик ва кардиологик жиҳозлар, стоматология асбоб-ускуналари, диагностика ва лаборатория жиҳозлари, дезинфекция, санитария-гигиена ва реабилитация воситалари, тренажёрлар, тиббиёт кийимлари ва ортопедик маҳсулотлар, мебеллар, дорихоналар учун ускуналар тақдим этилаётир.

– Мазкур кўргазмада уч юз турдан зиёд тиббий ускуна ва жиҳозларни намойиш этмоқдамиз, – дейди пойтахтимиздаги «Ab Form Sistem» корхонаси директори Илҳом Ҳасанов. – Корхонамизда шифохоналар учун мебель жиҳозлари ишлаб чиқариш билан бирга хориждан реабилитация ускуналари, рентген, МРТ ускуналарни олиб келамиз. Бунда Президентимизнинг 2007 йил 19 сентябрдаги «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида»ги Фармони муҳим ҳуқуқий асос бўлмоқда. Унга кўра тиббиёт ускуналарига бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар ва сарфланадиган материалларни олиб келувчи ташкилотларга солиқ ва божхона имтиёзлари 2018 йилнинг 1 январигача узайтирилган.

2014 йилнинг мамлакатимизда Соғлом бола йили деб эълон қилиниши фармацевтика саноати корхоналари зиммасига ҳам катта масъулият юклади. Шу боис дори воситаларини ишлаб чиқарадиган барча корхоналар мамлакатимиз ва жаҳон фармацевтикасининг ютуқларини чуқур эгаллаш, уларни амалиётда самарали қўллашга алоҳида эътибор қаратмоқда. Бу ички бозорни сифатли дори-дармонлар билан таъминлаш, соҳада янги иш ўринлари ташкил этиш, экспорт ҳажмини ошириш орқали мамлакатимиз иқтисодиётини янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, кўргазмада маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг иштироки йил сайин ортмоқда. «Btl Medical Technologies», «Ultrasound Scanner Technology Service», «Premium Technics», «Soyuz Orion Vostok», «Zilola Medical», «Тараққиёт-Аркус» каби масъулияти чекланган жамиятлари, «Ucd Micros» қўшма корхонаси, «Shifo-Nur Servis» хусусий фирмаси шулар сирасидандир.

Бу йилги кўргазманинг ўзига хос хусусиятларидан бири Жанубий Кореянинг тиббиёт ускуналари учун электроника ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган корхоналари вакилларининг иштирокидир.

– Ўзбекистонда тиббиёт соҳасини модернизациялашга қаратилаётган доимий эътибор туфайли даволаш ва диагностика ишлари жаҳон андозалари даражасига чиқмоқда, – дейди ЎзА мухбирига «GDP Co., ltd» компанияси менежери Ким Тае Мин (Жанубий Корея). – Кўргазмада замонавий даволаш ва диагностика асбоб-ускуналари билан бирга электроника воситаларини ҳам таклиф қилмоқдамиз. Дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги етакчи тиббиёт компания ва фирмаларидан вакиллар иштирок этаётган ушбу форумда маҳсулот ва хизматларни намойиш этиш, музокаралар ўтказиш ва шартномалар имзолаш учун барча шарт-шароитлар яратилган.

«UzMedExpo – 2014» кўргазмаси доирасида илк бор «Гўзаллик ва саломатлик» лойиҳаси ташкил этилди. Ушбу секторда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга кенг ўрин берилган. Мисол учун, «Fabienne Inter Group» масъулияти чекланган жамияти ювиш воситаларини, «Salon Care at Home» косметика фирмаси пардоз анжомларини, «Sks Consulting» корхонаси терапия учун зарур препаратларни тақдим этмоқда.

Мазкур кўргазма фармацевтика корхоналари ўртасида ҳамкорлик муносабатларини ривожлантириш, мутахассисларни тиббиёт соҳасидаги янгиликлардан хабардор қилиш ҳамда соғлиқни сақлаш йўналишидаги ислоҳотлар ва қўлга киритилаётган улкан ютуқларни кенг намойиш этиш имконини бермоқда.

**Сайёра ШОЕВА**

**И. Исмоилов олган сурат**

## ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРИЗМ САЛОҲИЯТИ ФРАНЦИЯДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

***Ярижда ўтказилган «IFTM Top Resa – 2014» халқаро туризм ярмаркасида мамлакатимиз сайёҳлик салоҳияти намойиш этилди.***

Ўзбекистон тарихий ва маданий ёдгорликлар сони, туризм кўлами бўйича ҳақли равишда дунёдаги етакчи мамлакатлардан биридир. Юртимиздаги тарихий ва маданий ёдгорликларнинг бир қисми ЮНЕСКОнинг Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган. Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида туризмни ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар самарасида янги сайёҳлик йўналишлари ташкил этилиб, мамлакатимизга келаётган сайёҳлар оқими тобора ортиб бормоқда. «Ўзбектуризм» миллий компанияси халқаро сайёҳлик кўргазма ва ярмаркаларида фаол иштирок этиб, мамлакатимизнинг бу борадаги салоҳиятини кенг намойиш қилмоқда.

Франциядаги нуфузли «IFTM Top Resa» кўргазмасида Европа, Осиё, Африка ва Америка мамлакатларининг сайёҳлик фирма ва компаниялари, мутахассис ва экспертлари иштирок этди. Унда туризм саноатининг замонавий йўналишлари, жумладан, меҳмонхона ва ресторан бизнеси, бизнес-туризм, маърифий ва экзотик сайёҳлик, соғломлаштириш ва денгиз саёҳати намойиш қилинди.

Ўзбекистоннинг миллий стенди мамлакатимиздаги етакчи бешта сайёҳлик йўналиши экспозициясини ўзида мужассам этган. Кўргазмага келганлар эътиборига юртимиздаги қадимий шаҳарларнинг диққатга сазовор жойлари ҳақида ҳикоя қилувчи буклет ва фотоальбомлар, халқ амалий санъати намуналари ҳавола этилди. Бошқа давлатларнинг вакиллари Ўзбекистонда миллий сайёҳлик инфратузилмасини такомиллаштириш бўйича амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар самаралари билан батафсил таништирилди.

**Бобур ОБИДОВ,**
**ЎзА мухбири**

21 декабрь – Сайловлар куни

## ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

***2014 йил 21 декабрда мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов бўлиб ўтади. Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси томонидан қабул қилинган қарорга мувофиқ сайлов кампанияси шу йилнинг 15 сентябридан бошланди.***

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирза-Улуғбек АБДУСАЛОМОВ ЎзА мухбирига миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш мақсадида сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, бўлажак сайлов қандай ташкил этилиши, унга тайёргарлик кўриш ва ўтказиш қандай принципларга асосланиши хусусида сўзлаб берди.**

– Сайловлар демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқимизнинг ўз хоҳиш-иродасини билдириши, фуқароларнинг давлат ва жамият ишларидаги иштирокининг асосий шаклидир, – дейди М.Абдусаломов. – Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган босқичма-босқич ва изчил ислоҳотлар самарасида энг юксак демократик талаблар ва умумэътироф этилган халқаро стандартларга мос, мамлакатимиз Асосий Қонунида мустаҳкамланган ҳар кимнинг давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқини таъминлайдиган сайлов тизими яратилди.

Айни пайтда сайлов тизимининг такомиллаштирилаётгани юртимизда ҳаётга татбиқ этилаётган демократик ўзгаришларнинг таркибий қисми бўлиб, мамлакатимизнинг жадал суръатлар билан тараққий этиб бораётгани ва жамиятимиз яшаётган янги шароитлар сайлов жараёнларини янада демократлаштириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Масалан, аҳоли, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онгу тафаккури ўзгариб, сиёсий ва фуқаролик фаоллиги, эл-юрт тақдирига дахлдорлик ҳисси ортиб бораётгани ҳаётимизнинг барча жабҳаларида амалга оширилаётган туб ислоҳотларнинг муҳим самараларидан биридир.

Шу билан бирга, фуқароларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ислоҳотлар жараёнига, қонун ижодкорлиги даражаси ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти, сиёсий партиялар дастурий мақсадлари ва депутатларнинг амалий фаолиятини баҳолашга нисбатан талабчанлиги ҳам сезиларли равишда ошди.

Буларнинг барчаси бўлажак сайловни уюшқоқлик билан ўтказиш учун мустаҳкам асос яратади ва сайлов жараёнини ташкил қилишга жалб этилган барча тузилмалар зиммасига катта масъулият юклайди.

**– Миллий сайлов тизимида мустаҳкамланган асосий демократик принциплар ҳақида сўзлаб берсангиз.**

– Мамлакатимизда сайловларнинг самарали ҳуқуқий негизи яратилган бўлиб, сайлов тўғрисидаги қонунчилик миллий тажриба ва умумэътироф этилган халқаро нормалар инобатга олинган ҳолда, босқичма-босқич шакллантирилди. Ўзбекистонда ушбу соҳадаги қонун ҳужжатлари адолатлилик, очиқлик, ошкоралик ва транспарентликнинг демократик принциплари асосида фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларига сўзсиз риоя этиш, сайловчиларга сайловда эркин иштирок этиш учун зарур шарт-шароитлар, депутатликка номзод кўрсатадиган сиёсий партияларга сайлов кампанияси давомида кенг ва тенг имкониятлар яратишга қаратилган.

Сайловларнинг қонун талабларига тўла мувофиқ равишда очиқлик ва ошкоралик асосида ташкил этилиши ва ўтказилишини таъминлайдиган сайлов комиссияларининг мустақил тизими амал қилиши миллий сайлов тизимининг энг муҳим хусусияти ҳисобланади.

Қонунчиликка мувофиқ, сайлов комиссиялари мустақил бўлиб, фақат қонунга бўйсунади. Ҳокимият тузилмалари, жамоат бирлашмаларининг сайлов комиссиялари фаолиятига аралашишига ҳар қандай уринишлар тақиқланади.

Сайлов қонунчилигига кўра, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича мутлақ ваколатлар берилган. Бундай мақом сайловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида қонунийликни таъминлаш, сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун зарур шарт-шароитлар яратишга хизмат қилади.

Сайловларнинг очиқлиги ва ошкоралигини таъминлашга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Сайлов тўғрисидаги қонунларда халқаро тажриба ва мамлакатимиз амалиёти ҳисобга олинган ҳолда, сайлов жараёнининг барча босқичларида сиёсий партиялардан кузатувчилар, ОАВ вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар иштирок этиши мустаҳкамланган.

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтларининг ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Экологик ҳаракатига 15 та депутатлик ўрни берилгани ҳам буни тасдиқлайди. Ушбу норма атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазият ва фуқаролар саломатлигини яхшилаш масалаларининг муҳимлигидан ва уларнинг ҳал этилишидан аҳолининг барча қатламлари манфаатдор эканидан келиб чиққан ҳолда жорий этилган.

**– 2014 йилдаги сайлов қандай хусусиятларга эга, сўнгги йилларда сайлов қонунчилигига қандай ўзгартишлар киритилди?**

– Мамлакатимиз парламенти ва давлат ҳокимиятининг жойлардаги вакиллик органларига бўлажак сайлов янги ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий шароитларда ўтади.

Сўнгги йилларда мамлакатимизда кенг кўламли комплекс ислоҳотларни амалга оширишда эришилган улкан муваффақиятлар жаҳон ҳамжамияти томонидан эътироф этилмоқда ва Ўзбекистон халқаро майдонда ўзининг муносиб ўрнига эга. Аввало, мамлакатимизда тинчлик-осойишталик ва фуқаролар тотувлиги мустаҳкамланиб, сўнгги йилларда иқтисодий барқарор ўсиш суръатларининг 8 фоиздан кўпроқни ташкил қилаётгани, халқимиз фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатининг узлуксиз ошиб бораётгани, шунингдек, уларнинг фуқаро сифатида ўзини ўзи англаши, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти юксалиб бораётгани энг катта ютуғимиздир.

Президентимиз Ислом Каримов Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ҳаётимизнинг барча соҳаларини жадал суръатда модернизация қилиш ва янгилаш жараёни билан боғлиқ янги талабларга мувофиқ келгуси давр учун, шу жумладан, сайлов қонунчилигини такомиллаштириш соҳасида янги вазифаларни белгилаб берди.

*(Давоми 2-бетда)*

XXI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида баркамол авлодни вояга етказиш, аёллар ва болаларни чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказиб, уларга манзилли ёрдам кўрсатиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси «Дори-дармон» акциядорлик компанияси, «Baxtteks-Farm», «DiyorBiznes» масъулияти чекланган жамиятлари тиббий анжомлари, озиқ-овқат маҳсулотлари, кийим-кечак ортилган «Саломатлик поезди» Қорақалпоғистон Республикасига етиб келди.**

**• Термиз шаҳрида давлат органлари ахборот хизматлари ва оммавий ахборот воситаларининг ўзаро алоқалари самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ўтказилди. Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти Сурхондарё вилояти ҳудудий бўлими томонидан ташкил этилган тадбирда вилоят, шаҳар, туман ҳокимликлари ва бошқа давлат ташкилотлари ахборот хизмати ходимлари иштирок этди.**

**• Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими кўргазмалар саройида «Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида Ўзбекистон Бадиий академияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлими, Тошкент Фотосуратлар уйи ва Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ҳамкорлигида ташкил этилган «Ўзбекистон – бахтли болалар мамлакати» деб номланган фотокўргазма очилди.**

**• Жомбой туманидаги «Жомбой жавоҳири» корхонаси қошида гипс ишлаб чиқаришга ихтисослашган қўшма корхона ўз фаолиятини бошлади. 2 миллион 200 минг АҚШ доллари миқдоридаги тўғридан-тўғри хориж инвестицияси ҳисобига барпо этилган мазкур корхона йилига 40 минг тонна гипс ишлаб чиқариш қувватига эга. Эътиборлиси, маҳсулот ички бозордан ташқари, хорижга ҳам чиқарилади.**

### ЖАҲОНДА

**• Франциянинг энг йирик авиакомпанияси Air France Европада ўзининг филиали — Transavia лоукостерини очаётганлиги муносабати билан авиакомпания учувчиларининг иш ташлашлари саккиз кундан буён давом этмоқда. Гап шундаки, учувчилар бош компания ва филиал ходимлари учун тенг равишдаги шароитларни талаб этмоқдалар, бироқ бу талаб Air France дирекциясини қониқтираётгани йўқ.**

**• Бутунжаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилоти тарқатган маълумотга кўра, Эбола безгагидан қурбон бўлганлар сони 2,4 минг кишига етган. Унга чалинганлар эса 4,7 мингта одамни ташкил этади. БССТ хулосасига кўра, ушбу хавфли касаллик Ғарбий Африка ҳудуди бўйлаб жуда тез тарқалмоқда. Зеро, ҳозирда ушбу касаллик қайд этилган мамлакатлар қаторидан Либерия, Сьерра-Леоне ва Гвинеядан ташқари Нигерия, Конго Демократик Республикаси ва Сенегал ҳам ўрин олган.**

**• Кеча Буюк Британия пойтахти Лондонда Бирлашган қироликдаги энг йирик — «EGX London – 2014» номли видеоўйинлар ва электроника кўргазмаси очилди. Унда ўз инновацион қурилмаларини намойиш этаётган компаниялар қаторида Жанубий Кореянинг Самсунг ҳамда Японияниг Сони каби машҳур компаниялари бўлиб, кўргазмада 60 га яқин янгиликлар ўз аксини топади.**

# ОЧИҚ ВА ЭРКИН САЙЛОВЛАР – ДЕМОКРАТИЯ АСОСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Ушбу дастурий ҳужжатда давлат ҳокимияти ва бошқарувини янада демократлаштириш, давлат ва жамият қурилиши тизимида қонун чиқарувчи ҳокимиятнинг ролини ошириш, унинг назорат вазифаларини кенгайтириш, кўппартиявийлик тизимини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирларнинг белгилангани муҳим аҳамиятга эгадир.

Шу мақсадда давлатимиз раҳбари илгари сурган қонунчилик ташаббусларини амалга ошириш чоғида Асосий Қонунимизга ҳокимият тармоқлари ўртасида ўзаро тийиб туриш ва манфаатлар мувозанати тизимини янада такомиллаштириш, ижро ҳокимияти фаолияти устидан парламент ва жамоатчилик назоратини таъминлашнинг яхлит тизимини шакллантириш ҳамда ривожлантиришга қаратилган қатор тузатишлар киритилди. Бундан ташқари, қонунларни кўриб чиқиш ва қабул қилишнинг барча босқичларида депутатлар бирлашмалари ҳамда сиёсий партиялар фракцияларининг роли кучайди. Жойларда ислоҳотларни ҳаётга муваффақиятли татбиқ этиш, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда ҳам сиёсий партиялар, ҳокимият вакиллик органларининг ўрни ва масъулияти ошиб бормоқда.

Мамлакатимиз қонунчилигига киритилган ушбу барча ўзгартишлар қонунчилик ва ижро ҳокимияти фаолиятини янада демократлаштириш, сиёсий партиялар фаоллигини ошириш, партияларaро рақобатни кучайтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 117-моддасига киритилган тузатишлар сайлов қонунчилигини эркинлаштириш жараёнининг мантиқий давоми бўлди. Жаҳон амалиётида илк бор Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясига бошқа ҳокимият органларининг ҳеч қандай аралашувисиз сайловларга тайёргарлик кўриш ва уларни ўтказишни таъминлайдиган давлат ҳокимияти органи тизимида алоҳида ўрин тутган конституциявий орган мақоми берилди. Бу сайловларнинг демократлиги, очиқлиги ва ошкоралигини ҳар томонлама таъминлаш кафолатига айланди.

Концепцияни татбиқ этиш доирасида сайлов қонунчилигига сайлов эркинлиги принципини тўлиқ амалга ошириш, сайловолди ташвиқотини олиб боришда депутатликка номзодлар, сиёсий партияларга тенг шарт-шароитлар яратиш самарадорлигини ошириш, сайлов давомида ошкораликни таъминлашнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштиришга қаратилган қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Жумладан, сайловолди ташвиқоти тушунчаси, уни олиб бориш турлари, шакллари ва усуллари белгилаб қўйилди. Сайлов куни ва овоз бериш бошланишига бир кун қолганида сайловолди ташвиқотига йўл қўйилмаслиги белгиланди. Бундан ташқари, ҳокимият вакиллик органларига сайлов тўғрисидаги қонунларга овоз бериш кунига қадар уч кун ичида, шунингдек, овоз бериш куни жамоатчилик фикри сўровлари натижаларини, сайлов натижалари тахминларини, ўтказилаётган сайлов билан боғлиқ бошқа тадқиқотларни чоп этишга (эълон қилиш), жумладан, уларни умумий фойдаланувдаги ахборот-телекоммуникация тармоқларига, хусусан, интернетга жойлаштиришга йўл қўйилмаслиги тўғрисидаги норма киритилди. Бу сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин билдиришини таъминлаш кафолатини кучайтиради.

Кузатувчиларга Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови бўйича Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг конференциясида иштирок этиш ҳуқуқи берилган бўлиб, бу мамлакатимизда сайлов жараёнининг очиқлиги ва ошкоралиги принципларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилади.

Марказий сайлов комиссияси ушбу талабларни инобатга олган ҳолда, 2014 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича тадбирлар дастурини ишлаб чиқди ҳамда тасдиқлади.

**– Айтингчи, мазкур дастурнинг мазмун-моҳияти нималардан иборат ва унда сайлов кампанияси давомида ҳал этилиши лозим бўлган қандай вазифалар қўйилган?**

– Қонунчилик талаблари ва халқаро сайлов стандартларига тўлиқ мувофиқ равишда ишлаб чиқилган ушбу дастурда сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича муҳим талаб ва вазифалар, аниқ вақт жадвалига биноан бўлажак барча тадбирлар ва масъул тузилмалар белгиланган. Бу сайловга юксак демократик савияда тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини тўлиқ амалга ошириш учун шарт-шароитлар яратиш, давлат ҳокимияти органларини шакллантиришда сиёсий партияларнинг фаол иштирокини таъминлаш имконини беради.

Чунончи, сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг қоидаларини сайловчиларга кенг тушунтириш, фуқароларни депутатликка номзодларнинг сайловолди дастурлари, уларнинг ишчанлик ва ахлоқий фазилатлари билан таништириш, сайловчиларнинг бўлажак сайловга мамлакатимиз ҳаётидаги энг муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнидан хабардорлигини ошириш бўйича самарали ахборот-таҳлил ишларини ташкил этиш учун шарт-шароитлар яратишга оид зарур чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Сайлов кампаниясида ёшлар ва хотин-қизларнинг фаол иштирок этиши, уларнинг ижтимоий фаоллигини, сиёсий ва ҳуқуқий маданиятини ошириш учун шарт-шароит яратиш ҳам муҳим вазифалар сирасига киради. Бу борада сайловда иштирок этаётган ёшларга алоҳида эътибор қаратилади. Нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда хотин-қизлар ўртасида сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг янги нормаларини уларнинг сайлов ҳуқуқларини тушунтириш ишлари олиб борилмоқда.

Сиёсий партияларга, депутатликка номзодларга ўз сайловолди дастурларининг қоидаларини, мамлакатни ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий ривожлантиришнинг долзарб масалаларига доир нуқтаи назарларини сайловчиларга, жамоатчиликка етказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда кенг ва тенг имкониятлар яратиб берилади.

Айни пайтда мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган барча сиёсий партиялар – Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси, «Миллий тикланиш» демократик партияси, Ўзбекистон Халқ демократик партияси, «Адолат» социал-демократик партияси парламент сайловида иштирок этиш истагини билдирди.

Сиёсий партия сайловда уни қўллаб-қувватлайдиган сайловчиларнинг камида қирқ мингта имзосини тўплаши зарур. Бунда мамлакатимизнинг битта маъмурий-ҳудудий тузилмасида, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ёки Тошкент шаҳрида тўпланган имзолар сони талаб этилган имзолар сонининг саккиз фоизидан ошмаслиги белгиланган.

«Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонуннинг 21-моддасига мувофиқ сиёсий партия парламент сайловида иштирок этиш ва депутатликка номзодлар кўрсатишга ижозат олиш учун 12 октябргача Марказий сайлов комиссиясига партия раҳбари томонидан имзоланган сайловда иштирок этиш тўғрисидаги ариза, Адлия вазирлигининг сиёсий партия қонунда белгиланган муддатда рўйхатдан ўтганини тасдиқловчи маълумотномаси, шунингдек, имзо варақаларини тақдим этиши шарт.

Сиёсий партиялар ва депутатликка номзодларнинг сайлов қонунчилиги принциплари ва талабларини ҳисобга олган ҳолда сайлов жараёнида сиёсий рақобатнинг маданий шаклларидан фойдаланишларига кўмаклашишга катта аҳамият берилади.

Бунда сайлов кампанияси барча иштирокчиларининг амалдаги қонунчилик талабларига сўзсиз ва аниқ риоя этиши муҳим талаб ҳисобланади.

Шу нуқтаи назардан, дастурда фақат Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясини ўтказишнинг асосий ташкилотчиси ҳисобланиши тўғрисидаги қонунчилик қоидасини изчил ва сўзсиз амалга ошириш зарурлиги қайд этилган. Ҳеч ким сайлов жараёнига аралашиши мумкин эмас. Авваламбор, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимияти органлари сайлов кампанияси жараёнига аралашиш, қонунчилик талабларини четлаб ўтиш, бузиш мақсадида қилинган ҳар қандай уринишлар, аниқланган ҳомийлик ҳолатларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ чоралар кўрилади ва айбдорлар жазоланади.

Сайлов кампанияси иштирокчиларининг биртасига бирон-бир имтиёз ва устунлик берилиши истисно қилинади. Сайлов қонунчилигининг меъёрлари, талаблари, қонунда ва ушбу дастурда белгиланган сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тартиби ҳамма учун мажбурий ва бир хил ҳисобланади.

Бугунги кунда ушбу муҳим вазифаларни бажариш бўйича фаол ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада оммавий ахборот воситалари, сайлов комиссиялари, сайлов қонунчилиги соҳаси олимлари ва мутахассислари салоҳиятидан фойдаланилмоқда.

Мисол учун, мамлакатимиз ва чет эл экспертлари, фуқаролик жамияти институтларининг вакиллари иштирокида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартиш ва қўшимчаларнинг мазмун-моҳиятини тушунтиришга бағишланган қатор тадбирлар ташкил этилди. Парижда «Сайлов тизимини демократлаштириш ва парламентаризмни ривожлантириш: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт», Тошкентда «Ўзбекистон сайлов қонунчилиги ва демократик сайловларни ўтказишнинг халқаро стандартлари», Самарқандда «Сайловларни ташкил этиш ва ўтказишда очиқлик, ошкораликни таъминлаш ва қонунга риоя этишда қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт» мавзусида қатор халқаро конференциялар ҳамда давра суҳбатлари ўтказилди.

Ушбу тадбирларнинг ўтказилиши чет эл ижтимоий-сиёсий доиралари вакиллари ва экспертлар ҳамжамиятини Ўзбекистонда миллий сайлов тизимини янада демократлаштириш бўйича қабул қилинган чора-тадбирлар ҳақида тўлиқ ва холис хабардор қилишга ёрдам берди.

Бундан ташқари, кенг жамоатчиликка 2014 йилги сайлов кампаниясининг барча жиҳатларини тушунтириш мақсадида етакчи олим ва экспертларнинг марказий ҳамда ҳудудий теле- ва радиоканалларда 300 дан зиёд чиқишлари ташкил этилди, марказий ва маҳаллий босма нашрларда 570 дан ортиқ мақола чоп этилди, интернетдаги хорижий сайтларда 580 дан зиёд материаллар жойлаштирилди.

Телекўрсатув ва радиоэшиттиришлар доирасида бўлажак сайловларнинг мазмун-моҳияти, сайлов кампанияси ҳар бир босқичининг асосий вазифалари очиб берилмоқда. Сайлов масалалари бўйича ҳуқуқий ҳужжатлар, рисола ва услубий қўлланмалар тўплами нашрга тайёрланмоқда.

Сайлов жараёнини ёритишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг малакасини ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқаруви академияси негизида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди, 120 нафар ОАВ вакили ўқитилди. Бундан ташқари, жойларда «Сайловларни ёритишда ОАВнинг роли» мавзусида ўтказилган 14 давра суҳбатида ҳудудий оммавий ахборот воситаларининг 370 нафар журналисти иштирок этди.

**– Бўлажак сайловларни ўтказишда оммавий ахборот воситаларининг роли ҳақида ҳам сўзлаб берсангиз.**

– Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришда оммавий ахборот воситалари фуқаролик институтларидан бири сифатида ҳаётга татбиқ этилаётган ўзгаришларда фаол иштирок этмоқда. Улар демократик қадриятлар, фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлар ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлмоқда, уларнинг ўз фикр ва ғояларини, ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга нисбатан нуқтаи назари ҳамда муносабатини эркин ифода этиши имкониятини таъминламоқда, жамоатчилик фикрини шакллантирмоқда. Бу эса аҳолининг сиёсий фаоллигини ошириш, мамлакатимиз сиёсий ва ижтимоий ҳаётидаги иштирокини кенгайтиришга ёрдам бермоқда. Шунингдек, оммавий ахборот воситалари фуқароларнинг сайлов ҳуқуқларини ишончли таъминлаш, ўз хоҳиш-иродасини эркин билдириш, сайлов комиссиялари фаолияти ошкоралигини таъминлашда ҳам муҳим ўрин тутади.

Бугунги кунда демократик сайловларни эркин ва мустақил оммавий ахборот воситаларисиз тасаввур этиб бўлмайди. Негаки, улар фуқароларнинг сиёсий партиялар фаолияти, уларнинг сайловолди дастурлари, депутатликка кўрсатаётган номзодлари, сайлов жараёнининг барча босқичлари ҳақида ахборот олиш ҳуқуқини таъминлаши лозим. Шундай қилиб, оммавий ахборот воситалари демократик сайловларни очиқлик, ошкоралик ва транспарентлик асосида ўтказишда муҳим восита бўлиб, фуқаролик жамиятининг сайловда фаол иштирок этишига жиддий таъсир кўрсатади.

Мамлакатимиз сайлов қонунчилигида оммавий ахборот воситалари сайловга тайёргарлик кўриш жараёни ва сайлов қандай ўтаётганини ёритиб бориши мустаҳкамланган. Сайловолди ташвиқоти олиб борилаётганда оммавий ахборот воситалари тенг шарт-шароит ва имкониятлар принципига амал қилган ҳолда, депутатликка номзодларга, сиёсий партиялар вакилларига ўз эфир вақти ва нашр майдонини қонунда белгиланган тартибда тақдим этади. Бундан ташқари, улар фуқаролик жамияти институтларидан бири сифатида сайлов жараёнида жамоатчилик назорати вазифасини бажаради.

Сайлов жараёнининг барча босқичлари очиқлиги, ошкоралигини таъминлаш, жамоатчиликни сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида ОАВ орқали ўз вақтида холис хабардор қилиш мақсадида Марказий сайлов комиссияси томонидан 2014 йилги сайловни ёритиш бўйича Республика матбуот маркази ташкил қилинди. Ушбу марказ Марказий сайлов комиссияси сайлов кампаниясининг асосий босқичларига бағишлаб ўтказадиган брифинглар, матбуот анжуманларини ташкил этади, мамлакатимиз ва чет эл ОАВ вакилларини мазкур муҳим демократик жараён билан боғлиқ зарур ахборот материаллари билан таъминлайди. Айни пайтда журналистларни Марказий сайлов комиссиясининг www.elections.uz сайтида эълон қилинган аккредитациядан ўтказиш тартибига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясига хорижий ва миллий ОАВ вакилларидан мурожаатлар келиб тушмоқда.

Мамлакатимиз парламенти ва маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир ишлар давом этмоқда. Мазкур ишлар сайлов тўғрисидаги қонунчилик, Марказий сайлов комиссияси томонидан тасдиқланган дастур ва тадбирлар календарь режасига қатъий амал қилган ҳолда изчил амалга оширилмоқда. Қонун талабларига сўзсиз ва қатъий риоя этиш, шубҳасиз, бўлажак сайловни демократия принциплари асосида очиқ ва ошкора ўтказишни таъминлайди.

**Меҳрибон МАМЕТОВА**
**суҳбатлашди**

# ДОИМИЙ КОМИССИЯЛАР ЙИҒИЛИШЛАРИ

***Халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг Ижтимоий маданий ривожлантириш, Коммунал хўжалик ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, Ёшлар сиёсати ва соғлом авлод масалалари бўйича доимий комиссияларининг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилишлари бўлиб ўтди.***

Унда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритилган масалалар, жумладан, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи шаҳар сайлов комиссияси таркибини тузиш, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашига сайлов ўтказувчи сайлов округлари сонини белгилаш, 2014 йилда янги иш ўринларини яратиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ҳамда «Рақобат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг Тошкент шаҳридаги ижроси бўйича Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси Тошкент шаҳар бошқармасининг фаолияти кўриб чиқилди.

Шунингдек, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва эркинлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш юзасидан устувор вазифаларни амалга ошириш бўйича Яшнобод, Чилонзор ва Учтепа туманлари ҳокимликлари фаолияти, Тошкент шаҳридаги кўп қаватли уй-жой фонди, ижтимоий-иқтисодий соҳа объектларини барқарор коммунал хизматлар билан таъминлаш, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари ва бошқарув компаниялари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, маҳалла, хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари, бошқарув компаниялари, коммунал хизмат кўрсатиш корхоналари ва аҳоли ўртасида ўзаро ҳамкорлик тизимини янада жадаллаштириш борасида олиб борилаётган ишлар ҳамда баъзи географик объектлар номларини тартибга келтириш ҳамда доимий комиссия ваколатидаги бошқа масалалар муҳокама этилди.

Йиғилиш якунига кўра кун тартибидаги масалалар бўйича доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

* * *

**Шу куни Маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш, Қонунийлик, ҳуқуқ-тартибот ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш, Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш масалалари бўйича доимий комиссияларнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг маҳаллий ҳокимият вакиллик органлари фаолиятини кучайтиришга кўмаклашувчи шаҳар Ишчи гуруҳи ҳамкорлигидаги навбатдаги йиғилиши ҳам ўтказилди.**

Унда Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бошқармаси тизимида «Соғлом бола йили» Давлат дастурининг ижроси, ёшлар орасидаги гиёҳвандлик, ичкиликбозлик, ОИТС касаллигига чалиниш каби ҳолатларнинг олдини олиш юзасидан Вояга етмаганлар ишлари бўйича шаҳар комиссияси томонидан амалга оширилган ишлар, «Дафн этиш ва дафн иши тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг ижроси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2010 йил 30 мартдаги «Халқ бадиий ҳунармандчилиги ва амалий санъатини ривожлантиришни янада қўллаб-қувватлаш тўғрисида»ги Фармонининг ижроси юзасидан олиб борилаётган ишлар ҳамда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Кенгашининг навбатдаги ўттиз саккизинчи сессиясига киритилган масалалар атрофлича кўриб чиқилади.

Йиғилиш якунига кўра кун тартибидаги масалалар юзасидан доимий комиссияларнинг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Реклама ўрнида**

Qishloq Qurilish Bank

***«Ширин кулча» масъулияти чекланган жамияти бугунги кунда аҳолини нон ва нон маҳсулотлари билан таъминлаш борасида муайян ишларни амалга ошириб келмоқда. Бунда эса албатта, акциядорлик тижорат «Қишлоқ қурилиш банк»инининг алоҳида ҳиссаси бор.***

## ЭЛГА ХИЗМАТ — ОЛИЙ ҲИММАТ



Жамият ташкил этилганида, бизни унинг фақат бугунги фаолияти қизиқтирар эди. Бироқ, даврнинг шиддат билан ривожланиши жамиятнинг келажаги тўғрисида жиддий ўйлашга даъват этди. Англадимки, бугун замонавий техникасиз бирор ишни бошлаб бўлмайди. Фаолиятимизнинг ривожланишида ҳам техниканинг эскилиги сабаб айрим қийинчиликларга учрадик. Бироқ, ана шу қийинчиликлар бизга яхши сабоқ бўлди. Аввалига янгича ёндашув асосида иш бошқаришни ўргандик, сўнгра биз каби фаолият юритаётган тадбиркорларнинг хориждан кредит асосида олиб келиб ўрнатган техникасига ва уларнинг ишлаш қувватига эътибор бердик. Ўрганган билимларимизни ҳамда ғояларимизни бизнес-режа тарзида қоғозга тушириб, жамиятимиз ҳисоб рақамини юритиб келаётган ҳамкор банкимиз — «Қишлоқ қурилиш банк»нинг Тошкент вилояти минтақавий филиалига мурожаат қилдик. Бизнинг ташаббусимиз ҳамда банкнинг мадади сабабли амалга оширилган лойиҳаларга бугунги кунга қадар банк томонидан жамиятга 316 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Ушбу кредит маблағи эвазига махсус замонавий техникалар олиб келиб ўрнатилди ва ишлаб чиқариш ҳажми ортди. Жорий йилда ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш мақсадида яна 30,0 миллион сўм миқдорида яна кредит олдик. Ажратилган кредитни айланма маблағларни тўлдириш ва хом ашё сотиб олишга сарфладик.

Ҳозирда жамиятда 7 хил турдаги нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарилмоқда. Мижозларимиз маҳсулотларимиз сифатидан мамнун. Корхонамизда бугунги кунда 40 дан ортиқ ишчи-ходимлар доимий иш билан таъминланган. Шулардан 7 нафари коллеж битирувчиларидир.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, жамиятимиз «Қишлоқ қурилиш банк» билан кўпдан бери ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Банк томонидан ажратилган кредитдан фойдаланиб, элу юртимиз дастурхонни тўкинлиги йўлида хизмат қилмоқдамиз. Маҳсулот ишлаб чиқаришдан олаётган даромадларимиздан ташқари олган кредитимизни ҳам қайтармоқдамиз.

Ушбу банк мижози сифатида шуни айтишим мумкинки, банк биз каби корхона ва ташкилотларга ҳамда аҳолига ҳамиша намунали ва мақсадли ёрдам кўрсатиб келмоқда. Шунинг учун, мижозлар сони кундан кунга кўпаймоқда.

Келгусида фаолиятимизни янада ривожлантириб, маҳсулотларимиз турини кўпайтириш мақсадини ўз олдимизга қўйганмиз. Бу лойиҳаларни амалга оширишда ҳам албатта, банк мададига доимо суянамиз.

**Дилшод ЮСУПОВ,**
**«Ширин кулча» МЧЖ раҳбари**

Диққат, викторина!

# «СИЗ ТОШКЕНТНИ БИЛАСИЗМИ?»



Мустақил Ўзбекистонимиз танлаган ўз тараққиёт йўлидан дадил одимлаб, юксак марраларни эгалламоқда. Истиқлол йилларида Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизнинг барча ҳудудларида бўлгани каби, пойтахтимиз Тошкент шаҳрида ҳам улкан бунёдкорлик ишлари олиб борилди ва изчил давом эттирилмоқда. Барпо этилаётган маданий-маъмурий иншоотлар, турар жойлар, йўллар ва кўприклар, хиёбонлар, фавворалар, қайта таъмирланиб, янгича ҳусну тароват касб этган қадимий обидалар, қадамжолар гўзал ва бетакрор шаҳримиз кўркига кўрк қўшмоқда.

Пойтахтимиз жамолини кундан кунга очаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишларининг катта ижтимоий ва тарбиявий аҳамиятини, кенг кўламли ўзгариш ва янгиланишлар энг буюк неъмат — Мустақиллик берган имкониятларнинг амалдаги самараси эканини, ватанпарварлик она юртни ўрганишдан бошланишини инобатга олиб, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва «Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент» газеталари таҳририяти **«Сиз Тошкентни биласизми?»** викторинасини ўтказади.

Викторинада барча газетхонлар, пойтахт аҳолиси ва меҳмонлар ёши ва маълумотидан қатъий назар, иштирок этишлари мумкин.

Газеталарнинг ҳар сонида битта викторина саволи эълон қилинади. Кўрсатилган манзилга энг аввал етган тўғри жавоб ғолиб саналади.

Ҳар ўнта саволдан кейин энг кўп тўғри жавоб йўллаган ғолиб аниқланади.

Ғолибларга қимматбаҳо совғалар топширилади.

Викторинанинг мутлоқ ғолиби Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг 24 йиллиги арафасида аниқланади.

Викторина жавоблари **«Тошкент оқшоми» – «Вечерний Ташкент»** газеталари таҳририятига ёки **gazeta-vto@umail.uz, info@tashkent.uz** электрон манзилларига йўлланиши лозим.

**Мурожаат учун телефонлар: 233-29-33, 233-29-55, 233-45-84.**

**Савол:**
**«Мотамсаро она» монументи қачон барпо этилган ва у қайси майдонда ўрнатилган?**

## ДЎСТЛИК ВА САНЪАТ КЕЧАСИ

***Ўзбекистон давлат консерваториясида Корея Республикаси санъаткорлари иштирокида концерт бўлиб ўтди.***

Корея маданиятини ўзида акс эттирган мазкур дўстлик ва санъат кечаси Ўзбекистон давлат консерваторияси, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси ҳамда «Beautiful Mind Charity» хайрия ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилди, дея хабар беради ЎзА.

Концертнинг очилишида Ўзбекистон давлат консерваторияси ректори вазифасини бажарувчи Равшан Неъматов, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Ли Ук Хён мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари барча соҳалар қатори маданий-гуманитар йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Президентимиз Ислом Каримовнинг 2012 йилнинг сентябрь ойида Корея Республикасига ҳамда Корея Республикаси Президенти Пак Кин Хэнинг 2014 йилнинг июнь ойида мамлакатимизга давлат ташрифлари ўзаро алоқаларни фаоллаштириб, ҳамкорлик кўламини янада кенгайтирди.

Маданият ва санъат ҳамиша халқлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга хизмат қилиб келган. Жанубий Кореяда ўзбекистонлик ижодкорлар кўргазмалари, концертлари санъат ихлосмандлари томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинаётгани, Ўзбекистонда корейс киноси кунлари, мазкур мамлакат мусаввирлари ижодига бағишланган бадиий кўргазмалар, турли маданий-маърифий тадбирлар ўтказилаётгани икки мамлакат ҳамкорлигини янада мустаҳкамламоқда. Кореялик санъаткорлар «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивалида мунтазам қатнашиб келмоқда.

2012 йилда мамлакатларимиз ўртасида дипломатия муносабатлари ўрнатилганининг 20 йиллиги ва Наврўз байрами муносабати билан Сеулда ўзбек эстрада артистларининг концерти ташкил қилинди. «Алладин» гуруҳи Жанубий Кореяда ўтган «Korean POP World Festival – 2013» фестивалида Гран-прини қўлга киритди. Жорий йилда Тошкентда Сеул боғининг ташкил қилиниши мамлакатларимиз ўртасидаги яқин дўстлик ва кенг кўламли ҳамкорликнинг яна бир ифодаси бўлди.

Корейс санъат усталари томонидан фортепиано, скрипка, виолончель, каягим, хэгим каби чолғу асбобларида ижро этилган ранг-баранг куй-қўшиқларда дўстлик, тинчлик, гўзаллик, муҳаббат, табиат ва инсон каби мавзулар тараннум этилди. Корейс халқининг ҳаёти, анъаналари, урф-одатлари ва эзгу интилишлари ўз ифодасини топган миллий ва замонавий чиқишлар томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

**Нодира МАНЗУРОВА**

Осиё ўйинлари – 2014

***Спорт гимнастикачиларимиз терма жамоамиз ҳисобига яна иккита кумуш медаль келтирди.***

## ЎЗБЕКИСТОН СПОРТЧИЛАРИДА ЯНА ИККИ КУМУШ МЕДАЛЬ

Ўзбекистонлик машҳур гимнастикачи Оксана Чусовитина XVII ёзги Осиё ўйинларида ўзининг юксак маҳоратини намойиш этиб, таяниб сакраш машқлари бўйича кумуш медални қўлга киритди.

Яна бир ҳамюртимиз Абдулла Азимов алоҳида предметларда машқ бажаришда юқори натижа кўрсатиб, шоҳсупанинг иккинчи поғонасидан жой олди.

Шундай қилиб, бугунги кун натижалари бўйича терма жамоамиз ҳисобида уч кумуш ва етти бронза медали бор.

## УЛУҒБЕК АЛИМОВ – БРОНЗА МЕДАЛИ СОВРИНДОРИ

***Ўзбекистон терма жамоаси аъзоси, оғир атлетикачи Улуғбек Алимов XVII ёзги Осиё ўйинларида бронза медалига сазовор бўлди.***

Штангани даст кўтаришда 164, силтаб кўтаришда 205, жами 369 килограмм тўплаган спортчимиз шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

***Пойтахтимиздаги «Жар» спорт-соғломлаштириш мажмуасида кураш бўйича маҳаллалар ёшлари ўртасида анъанавий «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақасининг мамлакат босқичи бўлиб ўтди.***

2014 йил – Соғлом бола йили

## ЁШ ПОЛВОНЛАР БЕЛЛАШУВИ

«Соғлом бола йили» Давлат дастури ижроси доирасида «Маҳалла» хайрия жамоат фонди ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари, Халқ таълими вазирликлари, Касаба уюшмалари федерацияси, Ўзбекистон кураш федерацияси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати каби қатор ташкилотлар билан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур мусобақада юртимизнинг барча ҳудудларидан келган ўғил-қизлар олти вазн тоифасида ғолиблик учун куч синашди.

Тадбирда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб вояга етказишнинг муҳим воситаси сифатида спортни, жумладан, миллий қадриятимиз бўлган курашни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.\

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган «Маҳалламиз паҳлавонлари» мусобақаси ёшлар ўртасида курашни янада оммалаштириш, уларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб этишга хизмат қилмоқда.

2014 йилги мусобақаларнинг барча босқичларида жами 151 минг 500 нафардан зиёд ёш полвон қатнашди. Бу маҳаллалар ёшлари ўртасида жисмоний тарбия ва спорт тобора оммалашиб бораётганидан далолатдир.

– Мусобақанинг мамлакат босқичида шогирдларим муваффақиятли иштирок этди, – дейди хоразмлик мураббий Бобохон Абдуллаев. – Мусобақа кескин курашлар остида ўтди. Айниқса, Бухоро, Фарғона, Сурхондарёдан келган ёш полвонларнинг тажриба ва маҳорати таҳсинга лойиқ.

Турнирнинг ўғил болалар ўртасидаги беллашувларида қорақалпоғистонлик Айдос Адирбеков, Тошкент вилоятидан Зафарбек Ўрмоналиев ва бухоролик Муҳриддин Ҳикматов ўз вазн тоифасида ғолибликни қўлга киритди. Қизлар баҳсида жиззахлик Фарангиз Муродова, наманганлик Нафиса Воҳидова ва самарқандлик Гулнисо Келдиёрова олтин медалга сазовор бўлди.

– Беллашувлар давомида миллий спортимизга бўлган қизиқишим янада ортди, янги-янги усулларни ўргандим, – дейди андижонлик Мафтуна Маҳмудова. – Энг муҳими, кўплаб дўстлар орттирдим. Мақсадим келгусида ўз устимда кўпроқ ишлаб, Ватанимиз довруғини халқаро майдонларда ҳимоя қилишдир.

**(ЎзА)**

## ОБОД ШАҲРИМ — ОЗОДА ШАҲРИМ

**ҳар шанба — тозалик куни**

*ҲУРМАТЛИ ҲАМШАҲАРЛАР!*

Шаҳримизнинг янада кўркам бўлиши, кўчаларимизнинг орасталиги, маҳаллаларимизнинг озода ва ободлигига ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг инсоний бурчимиз эканлигини унутмайлик, тозалик ва ободонлаштириш ишларида фаол бўлайлик!

**Коммунал хизмати тўловларини ўз вақтида тўлайлик!**

## АЗИЗ ҲАМШАҲАРЛАР!

***Барчамизга яхши маълумки, ҳар биримиз истеъмолчи сифатида табиатнинг бебаҳо неъматлари – сув, табиий газ, электр энергияси сингари ресурслардан фойдаланамиз. Турмушимизга чуқур сингиб кетган ва фаровонлигимизни таъминлашда муҳим омил бўлган мазкур неъматлар соҳа ходимларининг заҳматли меҳнатлари ва катта маблағлар эвазига етказиб берилади.***

Шу боис ҳам уларнинг қадрига етиш, исрофгарчилигига йўл қўймаслик, тежамкорлик билан оқилона фойдаланиш, шунинг баробарида «Ҳисобли дўст айрилмас» нақлига амал қилган ҳолда фойдаланилган иссиқ ва совуқ сув, иссиқлик қуввати, табиий газ, электр энергияси ҳамда кўп қаватли уйларда фойдаланиш харажатлари тўловларини ўз вақтида амалга ошириш ҳар бир истеъмолчининг бурчидир.

Зеро, тежамкорлик – катта бойлик, демакдир. Юқоридаги неъматлардан керагича — омилкорлик билан фойдаланиш қоидаларига тўла амал қилган ҳолда сарфласак, қоидабузарлик ва ўзбошимчалик билан уланишларга йўл қўймасак хизмат сифатига ва самарадорлигига ҳисса қўшган бўламиз, тўловларимиз эса эртага ўзимизга намунали хизмат сифатида қайтади.

Шу ўринда, сиз қадрли истеъмолчиларга шуни эслатиб қўймоқчимизки, мазкур коммунал хизматлар юзасидан бирорта муаммо туғилса, носозлик ва авария ҳолатлари рўй берган тақдирда қуйидаги телефонлар орқали соҳа ходимларига мурожаат қилишингиз мумкин.

- **Коммунал хўжалиги бўйича туну кун фаолият кўрсатувчи диспетчерлик хизмати — 1055**

### «ТОШГАЗ» БОШҚАРМАСИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий авария-диспетчерлик хизмати — 255-44-27
Учтепа — 274-44-34
Бектемир — 295-14-43
Миробод —254-15-61
Мирзо Улуғбек — 267-19-47
Олмазор — 248-35-48
Сергели — 258-84-33
Ҳамза — 296-39-61
Чилонзор — 278-09-99
Шайхонтоҳур — 242-39-26
Юнусобод — 212-25-52
Яккасарой — 255-49-59

### ШАҲАР ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ ДИСПЕТЧЕРЛИК ХИЗМАТЛАРИ

Марказий диспетчерлик хизмати — 233-77-53, 233-78-46
Учтепа — 274-14-81
Бектемир — 295-10-66
Миробод — 291-15-92
Мирзо Улуғбек — 267-58-15
Сергели — 258-38-60
Олмазор — 242-46-95
Шайхонтоҳур — 278-87-11
Ҳамза — 291-87-83
Чилонзор — 277-19-72
Юнусобод — 225-00-65
Яккасарой — 250-19-67

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 232-11-39. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 225-хона.**

ЎЗГИДРОМЕТ ХАБАР ҚИЛАДИ

*Тошкент шаҳрида 27 **сентябрь** куни ҳаво бир оз ўзгариб туради, куннинг иккинчи ярмида вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Шарқдан ғарбга томон секундига 5-10 метр тезликда, кучайган ҳолда секундига 12-17 метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси — 13-15, кундузи — 24-26 даража иссиқ бўлади.*

*Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, **27 сентябрда** Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг йиғилишига имконият яратади, ифлосланиш даражаси паст бўлади.*

(Газетанинг навбатдаги сони 30 сентябрда чиқади)

Тошкент оқшоми
Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32
ТЕЛЕФОНЛАР: Эълонлар: 233-28-95. факс: (371) 233-29-55
2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган
Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамти»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.
Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.
МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ
ISSN 2010-9229
Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@umail.uz
Буюртма Г- 955
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563
Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади. 5779 нусхада босилди. Қоғоз бичими А-2
Топшириш вақти: 13.00
Нашр учун масъул Д. Исроилов
Босишга топширилди: 13.40
«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй
Бош муҳаррир Акмал АКРОМОВ